

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**«БАНК ИШИ» ва «БАНК ҲИСОБИ ва
АУДИТ» КАФЕДРАЛАРИ**

**“БАНКЛАРГА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРНИ
ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ”**

**республика миқёсида ўтказилган илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**

2020 йил 06 июнь

ТОШКЕНТ – 2020

- банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш банкларга ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради;

- оптимал кредит сиёсатини белгилаш ёки аниқлаш нуқтаи назаридан унда диверсификацияга катта эътибор берилиши назарда тутилиши шарт.

- банк хизматлари турларини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарур;

-банкда кредит қонунчилиги ва сиёсатини ҳозирги замонавий шароитларга мослаштириб, кутилаётган ўзгаришларни олдиндан билиб бориш тақозо этилади;

-тижорат банкларининг активларини бошқаришда замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда ишлатилиши, банкларда кредит рисклари даражасини минималлаштиришга хизмат қилади ва ижобий натижа беради.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Тогаев С.С. - Сам ИСИ, катта ўқитувчи

Тижорат банклари активларининг рентабеллиги куўрсаткичи уларнинг молиявий барқарорлигини тавсифлоқчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари активларининг рентабеллигини аниқлаш учун умумқабул қилинган ягона методика амвжуд бўлиб, унга кўроа, банк активларининг рентабеллиги соф фойдани жэами активлар суммасига бўлиш ва олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Тижорат банклари активларининг рентабеллигини ошириш республикамиз банк амалиёти учун муҳим аҳамият куасб этади. Бунинг сабаби шундаки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг молиявий барқраорлигини таъминлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонига 1-илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766).

1-жадвал**АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да активларнинг рентабеллиги¹, фоизда**

Банклар	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Асакабанк	0,9	0,2	2,8
Туронбанк	1,8	1,1	1,3

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Асакабанкда 2016-2018 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичининг даражаси апст бўлган. Айниқса, 2017 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Аммо, 2018 йилда мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, Асакабанкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Туронбанкда активларнинг рентабеллиги 2016-2018 йилларда сезиларли даражада паст бўлган ва ушбу ҳолат соф фойданинг активлар миқдориغا нисбатан кичик эканлиги билан изоҳланади.

Республикамиз тижорат банкларида активлар рентабеллигининг паст даражада эканлиги, фикримизча, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- соф фойда миқдорининг нисбатан кичик эканлиги (активлар сифатининг паст эканлиги бунинг асосий сабаби ҳисобланади);

- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлиги (2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар атиги 1,1 фоизни ташкил этди);

- республикамизнинг йирик тижорат банкларида активларнинг ўсиш суръатини соф фойданинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги.

Республикамиз тижорат банклари активларининг сифатини паст эканлиги, биринчи навбатда, берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги билан изоҳланади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига, тижорат банкларининг жами кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар қолдиғи 2,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йил давомида 351 млрд. сўмга

ёки 16 фоизга ошган. Муаммоли кредитларнинг асосий қисми, яъни 84 фоизи ёки 2 155 млрд. сўми шартлари қайта кўрилган ва муддати узайтирилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Муаммоли кредитларнинг 259 млрд. сўмини ёки 10 фоизини муддати ўтган кредитлар ташкил қилган бўлиб, 2018 йил давомида уларнинг миқдори 46 млрд. сўмга ёки 15 фоизга камайган. Суд жараёнидаги кредитлар миқдори эса

¹ Жадвал Асакабанк. Баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. www.asakabank.uz ва Туронбанк. Баланс ҳисоботлари. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. www.turonbank.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳисобот йили давомида 63 млрд. сўмга ёки 70 фоизга ошиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 153 млрд. сўмни ёки жами муаммоли кредитларнинг 6 фоизини ташкил қилади¹.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банклари активларининг рентабеллик даражасини ошириш учун, биринчидан, муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлардаги улушини 3 фоиздан ошмаслигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиши лозим; иккинчидан, банкларнинг қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари ҳажминини ошириш орқали соф фойда миқдорини кўпайтириш керак; учинчидан, даромад келтирмайдиган активлар миқдорининг ўсиш суръатини даромад келтирадиган активлар миқдорининг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик зарур.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ

Маматов Р.Р. - БМА тингловчиси

Охирги йилларда республика иқтисодий соҳасини ривожлантиришнинг концептуал ёндашувлари принцип жиҳатидан модернизацияланиши натижасида энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди². 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифа бўлиб қолмоқда. Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади. Амалга оширилган ишлар натижасида республика экспортида юқори қўшилган қийматдаги маҳсулот ва хизматларнинг улуши ошиб бормоқда:

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот (Б. 35-36). www.cbu.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 24.01.2020, www.press-service.uz.

Абдуллаев У. МАМЛАКАТИМИЗДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ОРҚАЛИ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	78
Ибодуллаева М.Т. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	80
Olimov A.A. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙОТИГА ХОРИЖИЙ INVESTITSİYALARNI JALB QILISHDA XALQARO MOLIYA INSTITUTLARINING O'RNI	82
Эргашев Э. ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	85
Эргашев Э. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ	86
Эргашев Э. MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSİYALARining O'RNI.....	88
Каримова А.М. ПУТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ	90
Kholmamatov F.K., Abdunazarova N.A. INVESTMENT RISKS IN THE BANK SPHERE IN GERMANY	92
Khalilova H., Avlayev E. ISSUES OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT TO A COUNTRY	94
Кенжаев М.Ғ. БАНК КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	96
Тогаев С.С. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	98
Маматов Р.Р. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИШТИРОКИНИ ОШИРИШ.....	100
Намозов О.М. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	102
Эрназаров Н.С. Сайфуллаев С. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	105
Yadgarova M., Baxtiyarova G. SOME ASPECTS OF ATTRACTING INVESTMENTS INTO THE ECONOMY OF UZBEKISTAN	107